

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЭРТАКЛАРИДА МУШТАРАКЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Ҳамза Алламбергенов,

Нукус ДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти в.б., филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Калит сўзлар: туркий халқлар, халқ оғзаки ижоди, муштарак, маънавий мерос, халқ эртаклари, сюжет, тимсол.

Аннотация: Мақолада туркий халқлар фольклори, хусусан, ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ халқ эртакларидағи айrim ғайритабии тимсолларнинг муштараклик ва фарқли жиҳатлари ўрганилган.

Инсоният тафаккури яратган ҳамма нарса, биринчи навбатда, халқимизнинг маънавий меросидир. Зотан, «... ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихидан, ўзига хос урф-одати ва анъаналаридан, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди» [3: 29-30]. Қадим халқ оғзаки ижоди, илк ёзма адабиёт ҳам юқорида айтилганидай, бизнинг маънавий меросимизга дахлдордир.

Муайян туркий халқ фольклорида учрайдиган сюжетлар, тимсолларнинг бошқа туркий халқлар эртакларида, афсона ва ривоятларида, достонларида ҳам учраши табиий ҳол. Чунки туркий халқларнинг оғзаки шаклда яратилган ва бизгача етиб келаётган барча фольклор намуналари илдизларининг қадимиyllигини инобатга оладиган бўлсак, бундай тимсол ва образлар кўринишлари ўзаро умумийлик касб этиши шубҳасиз. Жумладан, дев, пари, аждарҳо, семурғ, ялмоғиз образлари, қанотли от, жезтироқ, илон каби ғайритабии тимсоллар ифодалаган мифологик мазмун муайян муштаракликни касб этади.

Бироқ ҳар бир гуруҳ халқ сифатида шаклланар экан унда ўша жамоа вакилларига хос бўлган хусусиятлар ҳам бўртиб кўрина бошлайди. Кўнгил кечинмалари – оғзаки ижод намуналарида ўз дарду ташвишлари, орзуистаклари, майший, ижтимоий муаммолари акс бошлайди. Шу тариқа бир уммоннинг турли жилғалари вужудга келади. Бу жиҳат фольклорда яна ҳам аниқроқ кўзга ташланади.

Жумладан, ғайритабиий от тимсолидаги муштарак хусусиятлар «Воспирохун», «Қилич ботир», «Беш қиз», «Мислабу», «Эркажон», «Ота васияти», «Булбулигүё» каби ўзбек халқ эртакларида, «Хан қәдирлеген киши күйеў», «Гүлзәмзе» (сув тулпор), «Алтын кесе», (3 оёқли от) «Ағаш ат» (девнинг оти) каби қорақалпоқ халқ эртакларида, «Дудар қыз», «Құйын батыр», «Ханшентай» «Қарадөң батыр» каби қозоқ халқ эртакларида янада аниқроқ намоён бўлади.

Ғайритабиий от тимсоли, одатда, қаҳрамоннинг олдига қўйилган вазифаларини бажаришда ёрдамчи восита ҳамда содик дўст тарзида гавдаланади. «Бектемир ботир» ўзбек халқ эртагида қаҳрамон қўзлаган манзилига қанотли от воситасида етиб боради: «Қамчи отнинг жон-жонидан ўтди, бир кишинаб, қанот боғлаб осмонга учди. От осмонда уч кечаю уч кундуз учиб, Миср мамлакатига бориб, бир қўқаламзор ерга қўнди» [1: 355].

«Ота васияти» деб номланган ўзбек халқ эртагида эса қаҳрамон отни унинг ёлидан бир парчасини тутатиш ёрдамида чақиради: «Укаси кечгача молларни боқиб тўйғазиб, бир толнинг тагига тўплаб ётқизиб қўйибди. Оқ отнинг тутатқисини тутатибди. Осмондан ўша оқ от яроқ-аслаҳа, кийим-кечаги, сарпоси билан учиб тушибди. Подачи бола сарпони кийиб, яроқ-аслаҳани белига тақиб, отни миниб, подшонинг ўрдасига кириб борибди» [2: 255].

«Хан қәдирлеген киши күйеў» деб номланган қорақалпоқ халқ эртагида от қаҳрамоннинг энг оғир дамларида пайдо бўладиган, унинг мушкулини осон қилувчи дўст вазифасини бажаради. Бу эртакда ҳам от тутатки ёрдамида чақирилади. «Жаман күйеў атын алған бала урыста қайынатасының женилий қэўпин сезеди. Қаладан шығады, баяғы атының маңлайынан алъип қалған тўкти отқа тұтетеди, аты жаў-жарағы менен тайын болып, атын минип алъип келген жаўға қарсы кесе белден ат қойып үш күн, үш түн дегенде жаўды басылдырып, жериниң шегарасынан айдал шығарады» [5: 133].

«Алакөз батыр» деб номланган қозоқ халқ эртагида эса от тимсоли бошқа манбаларда учрамайдиган бир қанотли тарзда тасвирланади: «Уш күн өткен соң Алакөз үйінде отырып ойлайды. «Мен бұл әскерден қалғаным не қылғаным», – деп, батырлығына шыдай алмай, өзінің бір қанатты Қарагер дейтін атына мініп алъип, үш күн озып кеткен әскерлерді бір сағатта қуып жетіпти» [6: 233].

Умуман, от тимсоли қаҳрамоннинг доимий ҳамроҳи сифатида халқ достонлари ва эртакларидаги сюжетларда қаҳрамон билан доим баравар ҳаракат қиласади. Уларнинг фаолияти асло бир-биридан ажралмаган.

Одамлар осмон билан (шунингдек, бошқа худолар ва рухлар билан) муносабатларида отни қурбонлик қилишни ижтимоий жамоа гуруҳи билан худо ўртасидаги боғловчи бўғин деб ҳисоблашган [4: 89]. Хинд-эрон халқларида от культини Коинот тимсоли сифатида талқин қиласидар. Биринчи навбатда, қуёш худоларига мансуб бўлиб, маъно томондан космогонияга боғланган. Бизнингча, от Марказий Осиё халқларида муқаддас бўлгани учун одамлар худоларини қанотсиз тасаввур қила олмаганлар. Бу тасвир ёзма манбаларда қайд этилмагани учун қайси худоларга бағишиланганини била олмасак-да, Тангри (осмон) культига бағишиланган деган мулоҳазани айтишимиз мумкин, қанотли от тасвири айнан қуёш худосига қурбонликни ҳам англатади. «Алакөз батыр» қозоқ халқ эртагидаги отнинг бир қанотли тимсолини ҳам яратувчининг ягона тажассумига ишора шаклида тушуниш мумкин.

Ууман, миф ижод қилинган даврда ҳамма нарса – ҳатто хатти-харакат ҳам мифологик мазмун ифодалаган. Бу эса инсониятнинг турмуш тарзи ва маданияти тарихида муҳим ҳодиса сифатида диққатга сазовордир. Ибтидоий жамиятда миф оламни тушуниш учун асосий омил, ишончли далил деб қаралган.

Халқ эртакларидағи ғайритабиий тимсолларни шарҳлаш, уларнинг мифологик тимсоллар сифатида инсониятнинг табиат билан ўзи ўртасига чегара кўя билмаган даврларига алоқадор эканини ёритиш бугун фольклоршунослигимизда ўз ечимини кутаётган масалалардандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O‘zbek xalq ertaklari. Uch jildlik. Birinchi jild. – Toshkent: O‘qituvchi, 2014. – B. 355.
2. O‘zbek xalq ertaklari. Uch jildlik. Ikkinci jild. – Toshkent: O‘qituvchi, 2007. – B. 255.
3. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, «Маънавият», 2008, 29- 30- бетлар.
4. Нестеров С.П. Конь в культурах тюркоязычных племен Центральной Азии в эпоху средневековья. – Новосибирск: Наука СО, 1990. – Б. 89.
5. Қарақалпақ фольклоры. Көптомлық, 2-том. Қарақалпақ халық ертеклери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 133.
6. Қазақ халық әдебиеті. Көп томдық. – Алматы: Жазушы, 1989. – Б. 233.